

Тошкент ислом институти магистратура йўналиши ва Имом Термизий номидаги ислом институтига кириш имтиҳонлари 29-30 август кунлари бўлиб ўтади



21:02 / 26 август 472

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти магистратурасига ҳужжат топширган абитуриентлар шу йилнинг 29 август куни Теология (Ислом илоҳиёти, фалсафаси ва мотуридийлик таълимоти) мутахассислиги бўйича Ақоид ва ислом фалсафаси фанидан, Теология (Ҳадис илмлари) мутахассислиги бўйича Ҳадис ва Мусталаҳул-ҳадис фанидан ижодий имтиҳон топширадилар. Шунингдек, 30 август куни чет тили фанидан тест синовидан ўтадилар.

Тошкент ислом институти Модуль таълим тизимида ҳужжат топширган абитуриентлар эса 30 август куни ихтисослик фанлари ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича тест синови топширадилар.

Имом Термизий номидаги ислом институтига ҳужжат топширган абитуриентлар учун жорий йилнинг 29 август куни Ҳадис ва Мусталаҳул-ҳадис фани бўйича ижодий имтиҳон, 30 август куни Араб тили ва Ўзбекистон тарихи фанларидан тест синовлари ўтказилади.

Имтиҳонлар Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти биносида бўлиб ўтади. Ижодий имтиҳонлар соат 08:00 да, тест синовлари 06:30 да бошланади.

Абитуриентларни рўйхатга олиш жараёни имтиҳонлар бошланишидан ярим соат аввал бошланади.

Ҳурматли абитуриентлар, имтиҳонларга кечикмаган ҳолда, ўз вақтида иштирок этишингизни сўраймиз!

Маълумот ўрнида: имтиҳон рухсатномаларини олиш тартиби бўйича қўшимча маълумот берилади!